

Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Қуръон мусобақасида ўзбекистонлик талаба 1-ўринни олди



11:10 / 27.05.2019 2425

Корея Республикасининг Бусан вилояти Ал-Фатаҳ масжидида Бусан вилояти мусулмонлари ўртасида Қуръон мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақа Гимҳе шаҳридаги Имом Бухорий жоме масжиди имоми Абдуғаффор Эргашевнинг тиловати билан [бошланди](#).

Мусобақада Кореяда яшаб, ишлаётган Индонезия, Малайзия, Бангладеш, Покистон ва ўзбекистонлик ёш қорилар Қуръоннинг 30 порасидаги сураларни ўқиб бердилар.

Қуръон мусобақасида Ёнгсан университети 2-босқич талабаси, Фарғона вилояти Қўқон шаҳридан Муҳаммадмустафо Ҳабибуллаев 1-ўринга лойиқ

деб топилди.

Қайд этиш жоиз, жанубий Кореяда Рамазон ойида Қуръон мусобақаси ўтказиш анъанага айланган.

Image not found or type unknown




Image not found or type unknown

